

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 58 (6800)
1997 йил, 30 июль, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

Агар инсон умрини болалик, укувчилик, студентлик каби мавсумларга булиш мумкин булса, абитуриентлик мактаб билан укув юрти орасидаги қисқагина, лекин узига хос бир фаслдир. Унинг қуёшлари жазирали, ёмғиру момақалдиқлари

ган, худди охириг қунгироқ чалиниши биланок, бир муъжиза руй берадигандек «битирувчилик» сурурини суриб, орзу-ниятлар каби оппоқ либослар билан шаҳар кезиб, уйинга тушиб, битиришни нишонлаган ўсмир бугун абитуриентлик де-

Улғайиш пиллапояси

намдан миннатдорман.
Лекин барча даврларда ҳам абитуриентлик ҳозиргидек кечмаган. Мактабда кичик синфда



—КАТТА БЎЛСАНГ КИМ БЎЛАСАН? —ТАЛАБА...

шидатли, чечаклари, мевалари куз оларли. Лекин буларнинг барчаси абитуриент деб аталган фуқарони унчалик қизиқтирмайди.

Мана у ёмғир шатирлаб қуяётган шаҳарда бир кучоқ китобни ёмғирдан авайлаб, сарпойчан шошиб бораётибди. Тиқилинч, асабий йуловчилар билан лиқ тула автобус бурчагида китоб мутолаасига берилган. Уқув юрти ҳовлисидаги эълонлар тахтасидан узига тааллуқли бир нималар ахтараётган, янги, машхур кинофильм афишаси олтидан югиниб утиб бораётган шу ҳадикли, умидли қора куз — абитуриентдир.

Кечагина мактаб партасида эркаланиб, бир дунё булиб утир-

ган хавотир, масъулият ва рақобат тула мавсум ҳаволарига куниколмай, гоҳи таваккал, гоҳи қатъий мақсаду ишонч билан кириш имтиҳонларини кутади.

Бу купчилик — бугунги талабалар, талаба булганлар ва була олмаганлар учун ҳам қадрдон, олис-таниш ҳислар, яна уз эгасини топган.

Ҳозирги давр абитуриентининг ҳис-уйлари мен учун топишмоқ эмас, тест синовларидан энг юқори балл туплаб ФарДУнинг Ўзбек филологияси факультетига қабул қилинган кунимни сира ёдимдан чиқармайман. Адолатни, ишончни янгилаган, тақдим этган замо-

уқиб юрганимда имтиҳондан йиқилиб келиб, талаба булган қунимнинг қизи, уқитувчиларимнинг «Барибир, билиминг роль уйнамайди», деб уқтиришлари мен ҳали асл исмини билмайдиган абитуриентликни ҳаёлимда даҳшатли, кулранг фонда ҳосил қилганди. Аслида ҳам уша пайтлар шундай келган экан. Ватанимиз тақдири келажаги маънавияту маърифати қул учуда ҳал қилинган уша даврларда ушбу қисқагина, лекин Ватан, халқ тақдирига таъсир этувчи тигиз мавсум тупроқлари заҳарланган, унинг бағрига сараланмаган уруғлар қадалар эди. Ҳамма нарса ёлғиз манфаат, нафс-қуллик мақсадида йулга солинар эди.

Мақсад—томирида Улугбек, Навоий, Бобур қонлари жушаётган Ватан, миллат тақдири учун Бехбудий, Чулпон, Фитрат була оладиган авлоднинг пайини қирқиш эди! Билимсиз, мол-дунёга муккасидан кетган манқуртсифат авлодни шаклантормоқчи эдилар, балки.

Шукурки, истиқлол туфайли барчасини англаб етдик. У туфайли ўзбегимнинг кимлигини, ўзбек, қозоқ, туркман, урус, ар-

ман, қирғиз ҳаммаси ҳам тенглигини, Она Ватан нелигини, бу туйғу нечоғли теран ва муқаддас эканлигини англаб етдик.

Ушбу куннинг укувчилари, толиблари, аспирантлари, олимлари энг аввалги энг мардона ардоқларнинг эгасидир. Барча гамхурликлар, барча оталиқлар учун Ватандан қарздорлик ва мамнунлик ҳисси камолотта ундаяпти, уларни.

Олий укув юрти ҳовлисида бир туплам хужжатни титроқ қуллари билан бағрига босган ҳадикли, умидли нигоҳларини талабаю уқитувчиларга сочиб кириб келатган азиз укажонларим, сингилжонларим!

Сизнинг кунглингизга дадиллик, улуг нияту мақсад ва ишонч солиш ва шу даргоҳга қуяётган қадамингиз хайрли булишини, Сизга албатта омад ёр булишини тиламоқ учун бошлаган сизим охирида барчангизни дилингиздаги ниятлар каби пок

йул, танлаётган касбингизга садоқат, фидоийлик тарк этмасин, дейман.

Билингни, ният қанчалик эзгу булса, унга етиш шунчалик осонлашади.

Омад Сизники булсин, азизларим! Элу юрт, Ватан олтида юзингиз ёруғ булсин, токи шу нур ёруғида буюк келажаклар сари олға бориш барчамизга насиб этсин.

Наргиз ҚОСИМОВА,
ФарДУ Ўзбек
филологияси
факультети IV курс
битирувчиси, Навоий
номидаги Давлат
стипендияси соҳибаси.



ЯНГИ НИШОН ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Миллий маънавиятимиз, маданий меросимиз ва умминсоний қадриятлар заминда юксак ватанпарварлик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини узиди муҳассамлаштирган, Ватанимиз обрусини, шон-шухрати ва шарафини юксалтириш йулида хизмат қилаётган, Ўзбекистонда келажаги буюк давлат барпо этишда ҳамда мамлакатимиз ички ва ташқи ҳаётида фаол иштирок этаётган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан мамлакатимизда «Ўзбе-

кистон белгиси» курак нишони таъсис этилди.

ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ САРИ

Утган ҳафта Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари эълон қилинди. «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш», «Хуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва хуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йулга қуйиш тугрисида»ги қарорлар мамлакатимизда аҳолининг хуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, хуқуқшунос ка-



дрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш сингари долзарб муаммоларни ҳал этишда муҳим босқич булиши шубҳасиз.

ЮКУМЛИ ХАСТАЛИКЛАРДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Хасталангандан кура, унинг олдини олган афзал, албат-

та. Республикамиз ҳудудларида айниқса шу кунларда тез-тез учраб турган юқумли ичак касалликлари тарқамаслигининг олдини олиш мақсадида кун кеча Вазирлар Маҳкамасида эпидемияларга қарши кураш буйича республика фавқулудда комиссиясининг мажлиси булиб утди. Унда ичимлик сув сифатини назорат қилиш, жойларда санитария-эпидемиология хизматини яхшилаш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан бажарилиши лозим булган вазифалар белгилаб олинди. Юқумли касалликлар тарқатмаслиги учун давлатимиз кураётган чора-тадбирлар Сизу бизнинг, азиз болажонлар, соғлигимизни муҳофаза этиш

учун эканлигини унутмаслигимиз ва ҳар ерда ҳар қандай ҳолда ҳам санитария қоидаларига риоя этишимиз лозим.

ЭНГ ИШОНЧЛИ ДОРИ

Кариес деб номланган тиш касаллиги учун энг яхши даво асосий кундалик таомимиз булган оддий нон экан. Италиялик шифокорлар куп йиллик изланишлардан сунг шундай хулосага келишди. Уларнинг таъкидлашича, нон чайналганда ундан ҳосил булган сирка туфайли оғиз бушлигидаги бактериялар «заҳарланиб» ўлади ва тишни кариесдан ҳимояловчи қобик кучайиб бораверади.

Узун туманида Павлик Морозов номи билан машхур булган, Республика миқёсидаги ажойиб бир оромгоҳ бор эди. Унда собиқ СССР ва ҳатто афгон болалари ҳам таътилни мароқли ўтказиб, дам олиб кетишарди. Бугунги кунда бу масканда аҳвол қанақа? Оромгоҳ ҳали ҳам уша-уша нуфузидами эки? Шу каби саволлар огушида оромгоҳ томон йул олдик. Оромгоҳ дарвозасидан кириб борарканмиз, гуё бошқа бир дунёга тушиб қолгандек булдик. Ортга қараймиз — пахтазору йул. Оромгоҳда эса бир томонда уз номига тескари равишда сокин-сокин чайқалиб оқётган Туполондарё, кокиллари сувга солиб, шабадада сирли тебранаётган мажнунтоллар тагида, кукка интилган азим тулларнинг қуюқ барглари соясида, болажонларнинг шодон қийқириқлари янграйди; иккинчи томонда — айвонларда тартиб билан тахланган болаларнинг озода уринларию спорт майдончалари. Фавворалардан отилиб чиқаётган сув қуёш нурида камалакдек товланиб, гуё болаларнинг шодон қийқириқларига жур булаётгандек...

— Оромгоҳимиз яқиндан бошлаб Холмухаммад Қулние-зов номи билан аталадиган булди. Бу киши узоқ йиллар директор вазифасида ишлаган ва уни обод қилган жонкуяр инсон эдилар, — дея эслайди директор Бахтиёр Сангинов, — оромгоҳимизнинг мана шундай оромжон булиши куп жиҳатдан уша инсонга боғлиқ. Ҳозирги кунда 6 ёшдан 14 ёшгача булган болалар қабул қилиниб, уларга 3 навбатда 20 кундан хизмат курсатилади. Ҳар бир навбатда 350—400 болани қабул қилиш имкониятига эгамиз. Бош этакчимиз Рухсатой Эшниевова жуда ҳам болажон, ташкилотчи, тажрибали, қалби меҳрга тула шоира аёл. Ҳали болалар билан суҳбатлашсангиз бунга узингиз амин буласиз. Дарвоқе, ҳозир «Камтарга камол, манманга завод» мавзусида тайёрланган ажойиб бир тadbиримиз бор. Tadbирда иштирок этмайсизларми?

ҚҶШИҚҚА СОЛИНГАН

Болалар, хабарингиз бор, Республикаимиз Мустақилликка эришгандан кейинги йиллар давомида ва ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида туриш-турмушимизга янгидан-янги сўзлару атамалар кириб келмоқда.

Tadbиркор ва ишбилармон кишиларни ҳозирги кунда ҳар қадамда учратиш мумкин. Уларнинг фаолияти билан боғлиқ турли-туман сўз ва иборалар эса газета-журналлар саҳифаларида ҳам, радиоэшиттиришларию телевидение кўрсатувларида ҳам тез-тез қулоққа чалиниб туради. Буларни билиб қўйиш эса каттаю кичик учун фойдадан ҳоли эмас албатта. «Фалон сўз нима дегани экан», деб бармоқ тишлаб ўтиргандан кўра, уни билиб қўйган яхши, шундай эмасми?

Шу муносабат билан, газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб, «Иқтисодиёт сабоқлари» рукни остида тематик мақолалар бериб борамиз. Унда сиз кундалик турмушимизда тез-тез учраб турадиган айрим сўзлар ва атамаларнинг маъноси, мазмуни ҳамда қай пайтда қўлланиши билан яқиндан танишасиз.

Рукни журналист Эркин УСМОНОВ олиб боради.

«АКЦИЯ»

Кунлардан бир кун кечқурун Алижоннинг дадаси ишхонадан хурсанд қайтди.

— Акция сотиб олдим, — деди онасига.

— Жуда яхши қилибсиз-да! — деди онаси ҳам суюниб.

МАЖНУНТОЛ

Биз борганимизда тadbир аллақачон бошланиб кетган, болалар манманлигу камтарлик ҳақида халқ мақолларидан, ибратли ҳикоятлардан сузлашарди. Шундай ҳикоятлардан бири менга жуда ёқиб қолди ва уни Сизнинг эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдим.

Кишилар мажнунтол олдига ҳадеб келаверганидан Мирзатеракнинг гаши келиб, такаб-

зишга ҳаракат қиламиз. Шу кунгача «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Қувноқ стартлар», «Эртақлар — яхшиликка етаклар», «Иқбол», «Балли йигитлар» каби қизиқарли тadbирлар ўтказдик. Кун кеча «Аланга» ва «Турон» гуруҳлари аро «Балли йигитлар» беллашуви бўлиб ўтди. Айниқса, угил болалар ижросидаги «Келинлар қузғолони» муҳлислар олқишига сазовор булди. Ишонасизми,

ган «Аланга» гуруҳининг сардори Нодир Топтемиров билан суҳбатлашдик.

— **Б. Очилдиев жамоа хўжалигидан келганман. 4-синфга ўтдим. Футболга, шахматга қизиқаман. Бироқ энг севган машғулотиим роль ижро этиш. Катта бўлганимда «Шум бола» ролини қойил қалиб ўйнаган актёрдек зўр санъаткор бўлмоқчиман.**

Қорамағиз, кузи тийрак, узи

хос қувлик билан сурайди у, — **Исмим Шухрат. Алимардоновман. 5-синфга ўтганман.**

Озода Назирова — «Иқбол» конкурснинг голибаси:

— **Яқинда Узун паркка, кейин Бобомурод Омонов жамоа хўжалигидаги «Ўзбекистон тарихи» музейига бордик. Биз у ерда ўтмишда ота-боболаримизнинг кийган либослари, қадимда зарб қилинган тангалару, меҳнат қуролларини кўрдик. Уларни ўз кўзимиз билан кўрганимиз яхши бўлди. Чунки, энди тарихни ўқиганимизда, ўтмишимизни қандай бўлганлигини биров бўлса-да аниқ тасаввур қиламиз.**

БЕЖИРИМ ФОРМАМИЗ

БЎЛСА ЭДИ...

Болалар билан суҳбатлашиб юриб, уларнинг меҳнат участкаларини, парникларини, жонли бурчагу парваришлаган гулларини томоша қилдик. Болаларнинг давраси шунчалар самимий, дунёси шунчалар мусаффоки, беихтиёр бу даврани ташлаб кетгинг келмайди. Уларни яна суҳбатга тортасан...

— Оромгоҳингизни жуда яхши кўракансизлар-а, аммо бирорта ҳам камчиликларинг йўқми?

— **Биттагина камчилигимиз бўлса керак, —** тортинибгина суҳбатимизга аралашади Шарғундан келган Дилбар Сатторова. — **Авваллари оналарим лагерда дам олганларида биз ойим, дадам билан улардан хабар олгани келардик. Шунда лагердаги болаларнинг бир хилдаги чиройли формаларини кўриб роса ҳавасим келарди. Тезроқ катта бўлишни, лагерларга келиб ана шундай чиройли формалар кийишни жуда ҳам хоҳлардим. Афсуски, ҳозир бизда бир хил форма йўқ.**

Тенгдошингиз Дилбарнинг гапига нима дейсиз, азиз болажонлар. Балки, унинг гапида жон бордир. Агар ҳомий ташкилотлар топилиб, бу муаммони ечишга ёрдам берсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Дилрабо ДАВЛАТОВА, Сурхондарё вилояти.

Туполондарё кукка интилади

бурлик билан:

— **Ёнимга савлатимдан ҳайқииб, унча-мунча одам кела олмайди. Сенга ҳайронман, олдиндан одам аримайди, ё сени назар - писанд қилишмайдими? Бунинг устига қўшиққа солишганига бало борми? —** дебди.

— **Сен, —** деб жавоб берибди унга **Мажнунтол. —** Кибру ҳаво билан осмонга қараб интилсан. Соянг ҳам ўзинга яраша. Мен бўлсам, ўзимни вояга етказган замин билан қаттиқ боғланиб, унга ҳурматдаю таъзимда бўламан. Ёнимга кишиларнинг кўлаб келиши, балким, ана шу камтарлигимдандир. Сен кибрликни касб қилиб, манманликка берилмаганимда эди бунчалик эътибордан қолмаган ва охири кесилиб оёқ остига тушмаган бўлар эдинг.

Болалар «қиссадан ҳисса» чиқаришиб, турли фикрларни билдиришди. Tadbирнинг охирида оромгоҳнинг уз «шоир» ва «шоира»лари уз ижодларидан намуналар уқиб бердилар.

ФАРМОНБИНИНГ

«КЕЛИНЛАРИ»

— Инсон ҳаётининг энг унутилмас, энг ёрқин, мусаффо туйғуларга бой даври — бу болалик, — дейди бош этакчи Рухсатой опа, — шундай экан, болажонларимизнинг ҳар бир кунини мазмунли, мароқли ўтқа-



ҳатто уша ролларни ўйнаган болаларимизни Фармонбининг келинлари номи билан атай бошладилар...

Биз голибликни қулга кирит-

зийрак Нодирга қарайман. Балки, у ўзбек киноси довруғини оламга таратар...балки Аброр Ҳидоятговдек буюк «Отелло» булар...

ЛАГЕР БОШЛИГИ

БЎЛМОҚЧИМАН

— **Опа, мен ҳам гапирсам майлими? —** қайсидир боланинг саволи хаёлимни пардек тузғатиб юборди, атрофга қарайман — шунча бола. Нодир билан суҳбатга берилиб, улар қачон теварагимизни ураб олганларини сезмабман ҳам.

— **Ҳа, ҳа, —** дейман шошиб.

— **Мен-чи опа, катта бўлганимда лагер бошлиғи бўлмоқчиман. Чунки бу ер менга жуда ёқади. Бу йил лагерга иккита синглим билан бирга келганмиз. Биз бу ерда ҳар хил мусобақалар ўйнаймиз, бассейнларда чўмилиамиз. «Нептун», «Яшинмачоқ» сингари ўйинларни эса жуда яхши кўраимиз, кечқурунлари эса кино кўйиб беришади, зўр дискотекалар бўлади. Рухсатой онамиз қизиқарли афсоналар айтиб берганларида-ку фақат эшитаверсам дейман.**

— **Жуда яхши-да, лекин биз булажак оромгоҳ бошлиғининг исми нима эканлигини ҳам билмаймизку?**

— **Исмимни айтсам газетига ёзасизларми? —** болаларга

Иқтисодиёт сабоқлари

лардан бошлаб эркин сотиладиган ана шундай акциялар чиқарила бошлади.

«АУКЦИОН»

Болалар, сиз «аукцион» де-

дан кейин онаси унга «аукцион» нима эканлигини тушунтириб қуйибди.

Ҳуш, «аукцион» нима экан дегн? Келинг, яхшиси сиз ҳам Азизанинг онасини гапларига қулоқ тутинг, ҳаммасини билиб olasиз.

«АУКЦИОН» — лотинча сўз бўлиб, «махсус кимоиди савдо бозори, товарларни талабгор харидорларга сотиш усули» деган маъноларни англатади.

Тасаввур қилинг, катта бозор эки савдо курғазмаси. У ерда ҳамма нарса, антиқа буюмлардан тортиб, қорақул терию муйна, меваю сабзавотгача бўлиши мумкин. Харидорлар савдо бошлангунча уша молларнинг намуналари билан танишадилар. Ва савдо вақтида ҳар ким узи мулжаллаган нархини айтади. Ва энг юқори нархни таклиф қилган харидор уни сотиб олади.

Ўзбекистонда бундай аукционлар 1991 йилдан бошлаб мунтазам ўтказиб келинмоқда.

«А» ДАН «Я» ГАЧА...

гини биласизми? Булмаса, билиб қуйинг! Акция — французча сўз бўлиб, «фармойиш, рухсатнома, фаолият» маъноларини англатади.

Турли корхоналар ва ташкилотлар пул маблағларини шерикчилик асосида бирлаштирадиган жамият «Акционер жамият» деб аталади. Ана шу жамият томонидан чиқарилган, даромад келтирувчи қимматбахо қоғоз эса АКЦИЯ деб номланади. Акция қимматли қоғозлар бозорида олди-сотди қилинади.

Республикаимизда 90 чи йил-

ган сузни тез-тез эшитиб турасиз. Лекин унинг нима эканлигини купчилигингиз билмаслигингиз табиий.

Қайси кун кўпчимизнинг қизи Азиза билан қизиқ иш булти. Дадаси билан акаси эрталабдан «Аукционга борамиз» деб отланиб қолишибди. Азиза ҳам боргиси келиб, уларга эргашибди. Дадаси унга «Йўқ, у ер сен борадиган жой эмас, яхшиси дам олиш кунини узим сени «Хайвонот боғи»га олиб бораман», дебди.

Улар кетишибди. Азиза эса хафа булганча қолибди. Шун-

МЕН ЎҒРИ ЭМАСМАН

Хурматли «Тонг юлдузи»! Сизнинг газетангиздаги қизиқарли воқеа, ҳодисалар, хабарлар билан бирга чиқадиган янги «Кулоғингга гапим бор» рукни бизга жуда ҳам еқди. Болалар курган-кечирганларию қилган хатоларини ёзиб, сиз азизлардан маслаҳат, тўғри йул сурашган. Сизлар қимматли маслаҳатла-

қарадим. У менга шунақаям ярашдики, ойнага қараб, ўзимдан ишшайардим. Кейин хурлигим келди. «Нега менда йук, ахир иккаламизнинг ёшимиз бир, устига-устак мен ундан аёлчиман, кейин буйим ҳам униқидан узун. Нега энди мен раиснинг угли эмасман? Нега энди шу кепка меники булиши мумкин эмас»лигини уйлаб кетдим. Кепкани жойига қуйиб хонадан чиқмоқчи бу-

бир нарса ёнади. Қаергадир қочиб кетгим келади. Аввалги кепкага қизиқмаган Алишерга айлангим келади.

Азиз «Тонг юлдузи»! Менга ёрдам беринг, нима қилай. Аста жойига элтиб қуяйми, ёки узидан кечирим сураб кейин берайми? Аста ташлаб кетсам, барибир виждоним қийналади. Қандай кузига қарайман? Кечирим сурасам тушунармикин? Ҳеч кимга айтмасмикин, ёки «Алишер угри экан, менинг кеп-

«КУЛОҒИНГА ГАПИМ БОР»

рингизни аямай тўғри йул курсатганларингиз учун мен ҳам кунглимни хижил қилиб турган бир хатоимни ёзиб сизлардан маслаҳат сурамоқчиман.

Исмим Алишер. Ёшим 13 да. Оиламизда 9 та боламиз. Мен 6-фарзандлариман. Оиламиз уртача ҳаёт кечиради. Бизлардан битта ҳовли нарида раис амаки турадилар. Уларнинг мен қатори угиллари бор. Уларнинг кийган кийимлари — велосипел, кроссовкалари жуда ҳам ҳавасимни келтирар эди. Уша журам бир куни зур кепка кийиб келди. Драконнинг расми бор, орқасида кнопкалари ҳам куп. Даласи шаҳардан олиб келибди. Яна иккита бор, деб мақтаниб олди. Уша кунидан бошлаб менинг ҳам кепкам булишини орзу қилдим. Отамга олиб беринг, ҳамма ишларни қиламан, деб роса ялиндим. Отам ҳатто қулоқ солмадилар ҳам. Онамга ялинганимда урушиб бердилар. Бундай уйлаб қарасам, ордан ҳам уларнинг топгани ёйиш-ичишдан ортмайди. Ана шундай кепканинг дардида ёниб юрган пайтларимда раиснинг угли мени «Юр, уйда ҳеч ким йук, бизниқида уйнаймиз», — деб чақириб қолди. Қувониб бордим. Роса уйинчоқ машиначаларини уйнадик. Ойна ёнида турган уша қизил кепкага кузим тушгач, бироз қизиқ булиб кетдим. Олиб кийиб ойнага

либ бурилувдим ҳамки, кузим шкаф устидаги ушанақа иккита: бири қора, бири кук кепкага тушди. Шунда хаёлимга ёмон фикр келди. Бунақа фикр хаёлимга биринчи бор келиши эди. Кепкага меҳрим шу қадар кучли эдики, мен ўзимни ушлаб қололмадим. «Ҳозир кепкани олиб қочиб кетаман», нима қилибди, унда учта булганда менда ҳам битта булсин-да. Даласи яна олиб беради, — деб кепкани қорнимга тиқиб, худди қорним оғриётгандай букчайиб ёнига бордим ва қорним оғриётганини айтиб, ура қочиб кетдим. У эса кепкасини угирлаганимни хаёлига ҳам келтирмас эди. Чунки ҳаётимда шу кунгача ҳеч кимни ҳеч нарсасига тегмаган эдим. Уйга келиб, эшикни қулфлаб, кепкани роса кийиб юрдим. Уни укаларимга, опаларимга курсатиб мақтангим келарди. Лекин улар дадамга айтишса борми...

Кейин оқшом чука бошлагач, қувончим суниб, афсуслана бошладим. «Нега олдим? Энди бир умр отим угри буладими? Энди мени тўғри кунгил билан уйига киритган журам мендан ҳадиксирамайдими? Кунни-қушни нималари йуқолса мендан қуришмайдими? Отам мендек фарзандлари борлигидан афсус чекишмайдими?» Уша кундан бошлаб ич-ичимда

камни угирлабди. Дадамдан қурқиб узи келтирди, у билан уйнаманглар» — деб айтадимми? Мен нима қилишимни билмай қолдим. Нима булганда ҳам уз ишимдан жуда пушаймондман, бу ишни унинг дадасидан ёки ўзимнинг дадамдан қурқиб эмас, виждонимдан қурқиб қилаяйман. Мени тўғри тушуниб, маслаҳатингизни аямайсиз, деб уйлайман.


Сизга ҳурмат билан АЛИШЕР.

Сизлар нима деб ўйлайсизлар, азиз болалар?

Алишер нима қилсин?

ИЗЗАТ НАФСИМИЗГА ТЕГАДИ

Биз яқинда қишлоқдан шаҳарга кучиб келдик. Кучиб келибмизки, дадам билан онам урталарида ҳар куни жанжал. Уларнинг жанжаллари боис, мен ва опам, синглим ухлолмай чиқамиз. Дадамнинг гинимсиз бақирлишию онамнинг укириб-укириб йиғлашидан юрагимиз эзилди кетади. Уч ой аввал дадам бизни ташлаб, уйдан бутунлай чиқиб кетдилар. Чиқиб кетаётганда утчаламизни бағриларига босиб ўтдилар. Шунда уларнинг қушларида ёш айланиб турарди. «Мени кечиринглар, қизларим», — дедилар-у, шарт угирлиб кетдилар. Неча ойдирки биз дадамни соғиниб яшаймиз.



Сени ойимга айтаман...

Бизни қийнаётган яна бир нарса бор: Бизга ҳаммадан ҳам азиз булган онажонимиз туйларга чиқиб раққосалик қиладилар. Уларнинг бу ишлари иззат-нафсимизга тегди. Бир неча бор онажонимизга туйларга чиқманг, — деб ялиниб ёлвордик. Лекин улар уз биланларидан қолмадилар. Бизни эса уларнинг иснодлари қийнайди. Кучақуйда бизни курсатиб «Анови Ойгул отарчининг қизларими?» деб масҳара қилишади. Буларку ҳолва, онам ҳақида қуниқушилиларнинг айтган гапларини илон эшитса, пусти ташлайди. Катта опам аллақачон буйи етиб қолган, лекин бизнинг остонамиздан бирорта совчи ҳатлаб кирмайди. Ҳатто биз опам билан бирга уйдан қочиб ҳам кет-

моқчи булдик. Лекин барибир онажонимизни кузимиз қиймади. Бир кун келар, улар бизнинг юрагимизда ёнаётган дардини тушунарлар, деб уйладик. Аммо, ҳозиргача онажоним уша йулдан қайтганлари йук. Биз эса ич-ичимизни ёб, уларни тўғри йулга қайтаргимиз келади. Биз нима қилайлик? Сизнинг маслаҳатингизга зормиз. Йул курсатинг.

ЗУЛФИЯ, Сирдарё.

Биз Зулфияга ва унинг онасига оналарини тўғри йулга солишлари учун, беғубор кунларга қайтишлари учун барча ота-оналарни ушбу мактуб асосидаги баҳсга таклиф қиламиз.

Танишинг: иқтидорли тенгдошингиз

УЛУҒВОР ОРЗУЛАР

Фарзанднинг камолоти унинг ёшликдаги тарбиясига куп жиҳатдан боғлиқ. Шу боисдан Ҳомиджон Ғиссов уз болаларининг одобли, меҳр-оқибатли, камтар ва камсуқум булиб ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратган. Шунинг натижаси улароқ турт углининг бири рассомчиликка қизиқди, бири техника ихлосманди, яна бири келажакда отаси сингари шифокор булиш ниятида.

Шавкатжон оилада катта фарзанд. У Қизилтепа туманидаги Садриддин Айний номли мактабнинг аёлчи укучиларидан. Билим даргоҳида ҳам, уйда ҳам сира тиним билмайди. Уқигани-уқиган. Айниқса унинг техникага ихлоси баланд. 1996 йилдан буен туман укуччи-ешлар техника ижодиёти марказидаги тугаракларда қатнашиб келаётир. Қисқа давр мобайнида у микромотор ёрдамида ҳаракатта келадиган «Камаз», «Тико» русумли кичик автомашиналарни яратди ва синовлардан муваффақиятли ўтди.

Яқинда яна бир хунхабардан укуччи-ешлар техника ижодиёти маркази бошлиғи Эр-

кин Турсунов, услубшунос Раҳима Шаропова, тугарак раҳбари Одил Бозоровларнинг боши осмонга етди. Чунки Шавкатжон Ғиссов республика иқтидорли ёшларининг Андижонда булган слетида қатнашиб, фахрли уринни эгаллаб қайтди. Шухрат Обидов, Зафар Музаффаров, Шерали Одиллов, Умид Ҳакимов, Рустам Хайруллаев каби ёшлар ҳам уз мактаблари, ижодиёт маркази обрусини оширишга ҳисса қушмоқдалар.

— Углимнинг келажакдаги орзуси муҳандис-ихтирочи булиш, — дея фахрланиб гапирди Шавкатжоннинг онаси Сабоҳатхон. — Худога минг қарра шукурки, угилларим баъзи болаларга ўхшаб ҳар ерда тентираб юришмайди. Катталарни курганда салом беришади. Фикру хаёллари уқиш, расм чизиш, пластилиндан ёки ёғочдан турли буюмлар ясаш. Мана шунинг узи мен учун ҳам, оиламиз учун ҳам жуда катта бахт.

Биз ҳам Шавкатжон Ғиссовнинг улугвор орзулари ушалишига тилакдошимиз.

Баҳодир ЭҒАМОВ, Навоий вилояти.



Унда учта кепка бор, менда эса...

КУШЛАРШОДЛИГИ


Кушлар яна қайтди ортга,
Бизнинг гўзал диёрга.
Соғингандир ўлкамизни,
Интилгандир чиройга.
Ўз тилида кўшиқ айтиб,
Чугурлашиб ўйнашар.
Келдик, яна, қайтдик, дея
Дарахтларга ўрнашар.
Кушлар учун уй ясадим,
Илдим дарахт шохига.
Энди улар кетиб қолмас,
Бировларнинг боғига.

КУНГАБОҚАР

Кунгабоқар, кунгабоқар,
Кўёш унга нега ёқар?
Кўёш қайга юрса ҳамки,
Кўёшдан кўз узмай боқар.
Офтобдан куч тўплармикин?
Офтоб озиқ бўлармикин?
Ҳар бир жони-дона учун,
Шарбат йиғиб олармикин?
Ўзи кўёшга ўхшайди,
Тонгда чиқиб томга қарар.
Кўнгли кўёшда яшайди,
Кунгабоқар, кунгабоқар...

Жаҳонгир
МАМАТҚОСИМОВ,
Жиззах вилояти,
Фаллаорол туманидаги
53-мактаб ўқувчиси.

Шеър — юракнинг титроғидан туғилади. Шеър — кўнглининг ҳаяжониди униб-ўсади. Шеърга ошно қалб ҳеч қачон ёмонликни билмайди. Биз тахририятга келаятган шеърлар орасидан ёш ижодкорлар: наманганлик Аъзам Обидов ва жиззахлик мактаб битирувчиси Жаҳонгир Маматқосимовларнинг шеърларини танлаб олдик. Уларнинг ушбу шеърлари сизларни ҳам ҳаяжонга солади, деб ўйлаймиз.



ПАХТАЗОРДА

Кулоқ оғриб пахтазорда,
Жиндек пахта теролмадим.
Ё мулойим «куратор»дан
Уйга рухсат сўролмадим.

Кечирингиз, теримчилар,
Оғриқ ўтмай оёғимга,
Пахтагиздан бир
чимчилаб,
Тиқиб қўйинг, кулоғимга.

КАМПА БУЛИБ

Ювош дерди бувим кўйни,
Ўйинимни бузди-ку,
Нақ бир метр ўсиб бўйи,

Биқинимга сузди-ку!

Майли, мен ҳам катта бўлиб,
Топиб фурсат-чоғини.
Шум кўчқорни тутиб олиб,
Синдираман шохини!

САЛОМ, УЧАР ТАРЕЛКА!

Салом, учар тарелка,
Қаёқда қолиб кетдинг?
Билсанг, қанча қалбларга,
Ҳаяжон солиб кетдинг!

Балки мени ахтариб
Юргандирсан, эҳтимол?
Манзилимни берайин,
Дафтарингга ёзиб ол!..

Аъзам ОБИДОВ,
Наманган шахри.



ТЕНГДОШЛАРИНИГ ИЖОДИ

ЎТИНЧИНИНГ МУЪЖИЗАСИ

Бор экану йўқ экан. Турон деган заминда шундай бир воқеа бўлиб ўтган экан. Қуюқ урмонзор яқинидаги кичик қишлоқда бир оққўнғил, меҳнатсевар утинчи яшар экан. У ҳар куни утин тергани урмонга борар, кечқурун эса йиққан утинини бозорга олиб бориб сотар экан. Шу қишлоқнинг яна бир бурчида утинчи билан тенгдош, бадавлату лекин хасис, мақтанчоқ бой яшар экан. Бойга қўшни бўлган бир заргар ҳам ўз бойлигини

кун сайин ошириш дардида яшар экан.

Кунларнинг бирида утинчи йигит қишлоқ чойхонасида дам олиб, кун бўйи ишлаб топган тангаларини санаб утирса, қишлоқдоши — заргар йигит келиб қолибди.

— Бугун даромаднинг чуғи баландми дейман, — заргар гап бошлабди кулиб.

— Топиб олсанг ҳам санаб ол деганлар, — дебди утинчи ҳозиржавоблик билан.

— Худого шукурки, — гапини давом эттирибди утинчи, — топганим ҳалол. Теракни чинор деб сотмайман. Баъзилардек мисни кумуш, кумушни олтин деб бировни алдамаймиз.

Гапнинг узи ҳақида кетаётганини сезган заргар қовоғини уйибди. Утинчи гап келганда отангни ҳам аяма деганлар хилдан экан-да. Шу пайтда уларнинг олтидан хизматкорнинг усти-

га бир қоп ортиб, узи эса семиз қорнини олдиға чузиб, овози борича бақириб, хизматкорини койиб, бой утиб қолибди. Заргар уни дарров давраға таклиф қилибди. Қизгин суҳбат бошланибди. Суҳбат ким зўр муъжиза ярата олади, деган баҳсга айланибди. Баҳс эса гаров боғлаш билан тугабди. Уларнинг гарови ҳатто подшоғача етиб борибди. Подшо бор гапни суриштириб билгач, шундай дебди: — Сизларга ун йил муҳлат. Шу муҳлат ичида саройда уччалангиз ҳам узларингиз яратган муъжизангизни келтириб, намойиш қиласизлар. Биз кўриб, кейин голибни аниқлаймиз.

Энди гапни бой ва заргардан эшитинг.

Заргар шохнинг мукофотидан қуруқ қолишдан қўриқиб, шу куннинг узидаёқ ишга киришибди. Бой эса қишлоққа яқин тоғ горида яшайдиган сеҳргар кампирга катта пул бериб, ажойиб бир муъжиза ясашни буюрибди. Узи эса қачон уша ун йил утар экан деб юраверибди. Утинчи эса саройдан уйига қайтгач, уз иши билан шугулланиб юраверибди. Узи севган гузал ва оқила бир қизга уйланибди. Бир қиз, бир угил кўрибди. Болалар кундан-кунга ул-

гайиб, вояға ета бошлабди. Улар ҳам худди ота-онасидек акли расо, камтар инсонлар бўлиб камол топибди.

Нихоят ҳаш-паш дегунча ун йил ҳам утибди. Гаровнинг муҳлати тугабди. Заргар хон ҳузурига биринчи бўлиб етиб борибди. Бой ҳам сеҳргардан тайёр муъжизани олиб, подшо ҳузурига ҳозир нозир бўлибди. Утинчининг подшо ҳузурига бориши кераклиги ёдиға тушиб, ҳаяжонлана бошлабди. Уз болаларини олиб сарой томон йулға тушибди. Уччалови подшо ҳузурига туплангач, подшо курикни бошлашга рухсат берибди. Аввало заргар уз муъжизасини намойиш этибди. У зур маҳорат билан ясаган олтин балиқчаларини олиб, сувға ташлаган экан, балиқчаларга жон кериб, сувда сузиб кетишибди. Заргарнинг муъжизасини кўрган бой мийиғида кулиб қўйибди. Ва бир дарахт келтирибди. Дарахтнинг барглари тиллодан, мевалари зумраддан эмиш. Яна дарахтнинг шохларида бир булбул бўлиб, унинг мурватини бураса, шундай сайрар эканки, эшитганлар сел булармиш. Навбат утинчига келибди. Подшо утинчидан: — Хуш, сен бизга қандай муъжиза курсатмоқчисан? — деб сурабди. Шунда

утинчи: — Шохим, менинг муъжизам оддий, на олтин, на зумрад, — дебди.

— Қани, тезроқ кўрсат, — дебди шох тоқатсизланиб. Чунки, у бой ва заргарнинг муъжизаларидан қониқиш ҳосил қилмабди.

— Мен уларни сарой дарвозаси олдиға қўйиб келдим, — дебди.

— Бу нима қилганинг, тез бориб олиб кел, — дебди подшо аччиқланиб.

Утинчи саройдан чиқиб, болаларини олиб келибди. Улар подшоға одоб билан салом беришибди. Болаларнинг ёқимли чехрасидан сарой чарогон бўлиб кетибди. Болаларнинг олдида олтин балиқчаю сайроқи булбул ҳам қадрини йуқотгандек бўлибди.

— Ҳа, баракалла... Аслида ҳақиқий бойлик, муъжиза — мана шулардир, — дебди подшо хурсанд бўлиб.

Бой ва заргар утинчи гадининг устун келганини англаб, уз муъжизаларини кутариб, секингина саройдан чиқиб кетишибди. Шунда улар ҳаёт бойлик, хазина билан эмас, фарзандлар билан ширин эканлиғига амин бўлишибди. Утинчи эса подшо ҳузурига хизмат қилиб, уз оиласи билан умрларини роҳат ва фарогатда утказибди.

Мирсаид СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳридаги
283-мактабнинг
8-синф ўқувчиси.



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон КИРФИЗБОВЕВ, Дадахон
ЁКУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
сакцифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0447.
10960 нусхалда босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босингга топширилган вақти 19.00
Топширилди — 18.30
Навбатчи муҳаррир Ҳ.Аҳмедова.

• Руйхатдан утин тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кучаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 33-44-25

